УДК 94 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИДАН: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ж.Ш. Ҳаитов

Мақолада Совет ҳокимияти ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда пахта янги навларининг яратилиши, етиштирилиши, пахта монокультурасининг салбий оқибатлари, пахта саноати, нарх-навоси ҳақида бирламчи манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали фикр юритилган. Шунингдек, совет ҳокимияти йилларида республиканинг асосий экин майдонларига пахта экилиши натижасида юзага келган муаммолар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *пахта, янги нав, пахтачилик, монокультура, суғорма деҳқончилик, тола, ҳосилдорлик, селекцион нав, селекция, ип-газлама, синов, экин*.

В статье на основе анализа первоисточников и литературы рассматриваются создание и выращивание новых сортов хлопка в Узбекистане в годы советской власти и независимости, негативные последствия монокультуры хлопка, хлопковая промышленность, его цена. . Также дана подробная информация о проблемах, возникших при посеве хлопчатника на основных посевных площадях республики в годы советской власти.

Ключевые слова: *хлопчатник, новый сорт, хлопководство, монокультура, орошаемое земледелие, волокно, продуктивность, селекционный сорт, селекция, очистка, испытание, урожай*.

Пахтачилик асрлар давомида Ўзбекистон деҳқончилигининг муҳим тармоғи бўлиб келган ва ип-газлама ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноатининг энг муҳим хом ашё базаси сифатида суғориладиган ерларга пахта техник экини экилган. Ўзбекистон ССР ташкил топган 1925 йилга қадар аллақачон пахта монокультураси вужудга келиб, Россия империяси даврида ҳам, совет ҳокимияти йилларида ҳам Марказнинг пахта хом ашё базаси сифатида деҳқонлар фаолияти йўлга қўйилганди.

Марказий Осиё минтақасида пахтачиликни ривожлантириш, айниқса, АҚШда 1861–1865 йиллардаги фуқаролар уруши ва халқаро сиёсий вазиятнинг ўзгариши, 1882 йил Мисрнинг Англия томонидан мустамлака қилиниши кабилар ўлкада янги пахта навларини жорий этиш, пахта майдонларини кенгайтириш, Россия саноати учун пахта хом ашёси базасини яратиш жараёнини тезлаштирди.

Маҳаллий деҳқонлар етиштирадиган пахта улар орасида “ғўза”, мустамлакачилар ибораси билан эса “туземный хлопок”, деб номланарди. Маҳаллий пахта ҳосилдорлиги юқори бўлса-да, унинг толаси қисқа, шакли сарғиш рангли, нави паст бўлиб, Россия саноат корхоналари Туркистон пахтасини қайта ишлашга мослашмаган эди. Россия империяси таъсирида бўлган Польшанинг Лодзь шаҳридаги тўқимачилик корхоналари Туркистон пахтаси ҳисобига ишларди, холос.

Ҳосилдорлиги ўрта даражада бўлсада, толасининг майинлиги ва узунлиги, мустаҳкамлиги, шаклан момиқ ва оппоқлиги билан ном чиқарган “Америка” (американча) пахта навини Туркистонда иқлимлаштириш ишлари 1860-йиллар охири – 1870-йиллардан бошланган. XIX аср охирги чорагида Туркистонда пахтанинг маҳаллий ва хориждан келтирилган 12 та нави экиларди.

Сирдарё вилояти Тошкент уезди махсус пахта майдонида 1869 йилда илк бор Америка “Sea Island” номли пахта нави плантатор Н.Н.Раевский томонидан синовдан ўтказилган. Ундан кутилган миқдорда ҳосил олинган бўлсада, 1872 йил Москва политехника институти кўргазмаси экспертлари томонидан тола учун яроқсиз деб топилди, унинг тола мустаҳкамлиги мутлақо талабга жавоб бермаслиги қайд этилди. Чунки ҳали қуруқ иқлим шароитида янги нав пахтадан ҳосил олиш илми ва тажрибаси деҳқонларда етарли бўлмаган. Сўнгра Амери-

кадан келтирилган “Упланда” (Uplanda) уруғ нави синалди. “Упланда” пахта уруғлари XIX аср бошларида Мексикадан АҚШнинг Миссисипи штатига олиб келинган. Ушбу нав “Petit kulf” ёввойи чигит уруғи нави асосида олинган. Кейинчалик “Uplanda”нинг танилган “Sugarloof”, “Hogan”, “Veskts Shundret seed”, “Browncs seed”, “Bonapa”, “Prout”, “Mastodon”, “Prolific”, “Multibolus” каби ўнлаб навлари яратилди [17. Б. 4–5]. Уларнинг толаси сифатли, тез пишиб етиладиган, ҳосилдорлиги юқори бўлган.

Тўпланган кўп сонли хабар ва мақолаларда келтирилишича, маҳаллий пахта нави (ғўза) ҳосилдорлиги баланд бўлиб, 1 десятина ердан ўртача 80 пуд, юқори натижага эришилган йилларда 100–110 пудгача ҳосил олинган. Муваффақиятсизлик юз берган даврларда, яъни табиий офат, гармсел, ҳавонинг совуқ келиши, ҳашарот босиши, қурғоқчилик, сунъий суғориш иншоотларининг ўз салоҳиятини йўқотиши ёхуд ўз вақтида таъмир этилмаслиги каби кўпдан кўп омиллар туфайли пахта ҳосилдорлиги 1 десятина ердан ўртача 20–40 пудни ташкил этган. 1907-1908 йилларда Самарқанд вилоятида пахтачиликда паст натижа кузатилган. “Америка” пахта навидан ҳосилдорлик 1 десятина ерга 55–60, айрим ҳолларда 75–80 пуддан ошмаган. Лекин, юқорида таъкидланганидек, “Америка” пахта нави бозорда сифати олий, нархи баланд баҳоланарди.

Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси раиси Йўлдош Охунбобоев (1885–1943) таъкидича: 1915 йилда Ўзбекистондаги 1 млн. 309 минг гектар суғориладиган ернинг 531 минг гектарига пахта экилган. 1916, 1918, 1921, 1923 йилларда орқага кетиш бўлган. 1924–1925 йилларда 1 млн. 243 минг гектар сунъий суғоришга асосланган ҳудудлардан 556 минг гектарига пахта экилган. 1928–1929 йилларда 1 млн. 764 минг гектар ернинг 714 минг гектари пахта майдонларига ажратилган бўлиб, 1915 йил билан солиштирганда пахта ҳосилдорлиги 139,9 фоиз ошган... 1929/1930 йилларда Ўзбекистонда етиштирилган пахта 56 млн. пудни ташкил этиб, ундан 18,5 млн. пуд тола олинган” [10. Б. 94]. Юқоридаги рақамлар совет ҳокимияти дастлабки йилларидаёқ пахтачиликка асосий эътибор қаратилиб, пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта далаларини кенгайтириш мақсадида канал ва анҳорлар чиқариш, сунъий суғориш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратгани аён бўлади. 1926–1930 йилларда пахтачиликда ҳосилдорлик ўртача ҳар бир гектар ердан 20 центнерни, 1935 йилда 22 центнерни (1939 йилда ҳосилсизлик бўлиб, 16 центнер) ташкил этган бўлса, 1939 йилга келиб, бир гектар ердан ўртача 26 центнер пахта хом ашёси олиш вазифаси белгиланган. Ҳар битта кўсакни сақлаб қолиш учун кураш компанияси бошланиб, агар бир гектар ерда 80 минг туп ғўза ундирилса, ҳар бир туп ғўзада биттадан ортиқча кўсак етиштирилса, чаноғи 4 грамм бўлган, пахта даласидан 3,5 центнер қўшимча пахта ҳосили олиш масаласи кун тартибига долзарб қилиб қўйилган. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, 1930-йиллардан пахтанинг тезпишар, вильт касаллигига қарши янги навларини яратиш, маҳаллий ғўза навлари ҳисобланган қора, кўк, сариқ чигит ва Америка эски навлари ўрнига янги уруғларни яратиш борасида амалий қадамлар қўйилган. “СоюзНИХИ директори Ўртоқ Колдаев вильт касаллигига бардошли ғўзанинг “5-П” янги саноат сортини яратди. Ленин райони (Тошкент вилояти)даги Андреев тажриба синов майдонида 1939 йилда синовдан ўтказилган бу нав кутилган натижани берди. Шу ерда “6082-чигит нави” экилди. Ушбу янги нав экилган пахта майдонида ғўзанинг 1 тупи ҳам вильт касали билан касалланмаган. Ўша ғўзанинг ёнидаги участкада экилган ғўза кўчатларининг 60-65 фоизи вильт касали билан жуда хасталаниб қолган экан” [10. Б. 403–405] деб маълумот берганди Й.Охунбобоев.

Ушбу янги нав уруғидан фойдаланган хўжаликлар 1939–1940 йилларда ўз пахта ерларининг ҳар бир гектаридан ўртача 20 центнер ҳосил олиб, режани 100 фоиз бажариб, ундан ортиқ ҳосил олганлар 200 фоиз қўшимча мукофотга эга бўлганлар. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Иттифоқ пахта майдонларининг 70–75 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар, ҳар йили пахта майдонлари учун 100 минг гектар ерлар қўшиб берилганди.

Пахта янги навларини яратишда қуйидаги тамойилларга амал қилинарди. Аввало, янги нав серҳосил, сувсизликка чидамли бўлиши, толаси оппоқ, момиқ, узун бўлиши билан бирга зараркунанда, ҳашарот ва ҳар қандай касалликларга бардошли бўлиши керак эди. Шунингдек, ҳосили қўл ва машинада осон терилиши, табиат инжиқлиги ҳамда агротехника қоидаларига бардошлилиги, пояси бақувват, тола бериш салмоғи юқори, барглари тез тўкилувчан, тола чигитдан осон ажралиши зарур эди. Янги

навдан талаб қилинадиган яна бир жиҳат чигити тўқ, мўл мой бериши, толасидан сифатли ип-газлама олиш имкони мавжудлиги кабилар ҳам эди. Қўл меҳнати билан териш, ёқилғини тежаш, пахта ҳосилдорлигини ошириш билан биргаликда, пахта касалликлари – гоммоз, ўргимчак кана, кўк қурт, пахта бити, шира, вильт тушиши, гармсел кабиларга чидамлилигига эътибор кучайди. Пахта ҳосилдорлиги Ўзбекистон аҳолисини асосий озиқ-овқат билан таъминлаш гарови бўлиб, 1930-йилларда колхозлар 100 кг пахта хом ашёсига 60 кг буғдой оларди [16. Б. 109].

Ўзбекистонда XIX аср охири – XX аср бошларидан пахтанинг маҳаллий ғўза навларидан ташқари (қора чигит, оқ чигит, сариқ-маллачигит) Америка пахтаси “Упланда” (UPLANDA)нинг ўнлаб навлари, Миср ингичка толали (ипак пахта) навларини экиш анъанага айланиб борган. Миср ингичка толали пахтасининг илк нави “Ашмуни” XIX асрнинг 60-йилларида яратилиб, ундан сўнг, 1887 йилда “Афифи” навига асос солинган. XX аср бошларига келиб, “Мит Афифи”, “Галини”, “Янович”, “Аббоси” каби навлар олинди. Ушбу навлар учун “Афифи” нави асос бўлиб, 1920 йилда Мисрнинг Гиза шаҳрида пахта селекцияси бўйича махсус тажриба станцияси иш бошлаб, унинг тажриба майдонлари ва участкаларида 70 дан ортиқ янги навлар олинди. Туркистон ўлкасида “Малик” хўжалиги далаларида (Фарғона водийси) “Афифи” навли пахта экилиб, 300 гектар пахта майдонларининг ҳар бир гектаридан жуда паст – 4-6 ц/га ҳосил олинди. 1871 йилда дастлабки Миср пахтаси уруғлари Туркистонга олиб келинган бўлса-да, амалда уни экиш 40 йиллар давомида кузатилмади. Агроном М.Бушев Дашт чўл тажриба станциясида 1910–1913 йилларда Миср пахтаси навларини маҳаллий шароитга иқлимлаштирди. 1926–1930 йилларда “Пима”, “Маарад”, “Ашмуни” навлари Ўзбекистон ва Туркманистон далаларида экилиб, гектаридан 1,3 – 1.4 ц/га ҳосил олинди. 1930 йилда ингичка толали пахта навлари Иттифоқдаги 5 минг гектар ерга экилди, 1933 йилда Фарғона вилояти Варошилов туманида Миср пахтасининг “Ашмуни” нави экилиб, 15,9 ц/га дан 16,4 ц/га гача ҳосил олинди. 1935-1936 йилларда “Маарад”ни экиш таомилга кириб, селекционер А.А.Гурке 1951 йилда янги “123-Ф”, “155-Ф” навига асос солди. 1956 йилда Сурхондарё тажриба станцияси тузилиб, А.Л.Гворогова ва Е.Гаврилов томонидан “Термиз-7, 8, 15, 31” навлари яратилди. XX асрнинг 60–80-йилларида Миср ингичка толасининг “С-6029”, “С-6030”, “С-6032”, “С-6037”, “С-6040”, “С-6042”, “Қарши-8”, “Қарши-9”, “Сурхон-2”, “Сурхон-3”, “Сурхон-5”, “Сурхон-7”, “Сурхон-9”, “Сурхон-100”, “Сурхон-101, “Сурхон-102”, “Сурхон-103”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-18” каби ўнлаб навлари яратилди.

1984-1987 йилларда республика бўйича 208 минг гектарга ингичка толали пахта экилиб, 576 минг тонна ҳосил олинди. Биргина Сурхондарё вилоятида 130 минг гектар ерга бундай пахта навлари қадалиб, 421 минг тонна ҳосил йиғиштирилди, ҳосилдорлик гектаридан 34–36 центнерни ташкил этди. Ўзбекистондаги 8 та пахта тозалаш заводи ингичка толали пахта ҳисобига ишлади [7. Б. 5–6]. Ўзбекистон далаларида 2004 йилдан “Сурхон-9”, 2009 йилдан “Сурхон-14” экила бошланди ва “Сурхон-16”, “Сурхон-18”, “Сурхон-102” ва “Сурхон-103” навлари юқори ҳосилдор навлар эканлиги исботланди.

Ингичка толали пахтанинг яратилган янги навларини 2 гуруҳга бўлиш мумкинки, булар ўзбек ва хорижий навлардир. Ўзбек селекционерлари томонидан яратилган навлар қаторига “Сурхон-103”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Термиз-202”, “Термиз-49” каби навлар киритилса, “Нодатан-14”, “MRC-270”, “MRC-5156”, “PIMALONG”, “EGUJPLAN FJNE” каби навларни хорижий навлар қаторига киритиш мумкин [7. Б. 7]. Бундан ташқари “Ашхабод-25” нави ҳам яратилган. 2017–2018 йилларда ўзбек селекционерлари ингичка толали пахтани Сурхондарёдан ташқари Бухоро, Навоий, Наманган, Қашқадарё далаларида экиш устида тажриба-синов олиб бормоқдалар. Айниқса, “Сурхон-102”, “Сурхон-14”, “Сурхон-18”, “Термиз-202”, “Термиз-49” навлари орасидан сарасини танлаб олиш билан боғлиқ тажриба синов ишлари 2020–2021 йилларда авж олдирилди.

XX асрнинг 60–70-йилларида пахтанинг маҳаллий дурагай навлари ва хорижий навларни яратиш, янги далаларга экиш учун тажриба-синовдан ўтказиш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Айниқса, ўнлаб янги пахта навлари Давлат нав синаш участкаларидан ўтиши натижасида кенг экин ерларини эгаллай бошлади. Давлат нав синаш комиссияси томонидан янги нав ижодкорлари рағбатлантирилиб борилди. 1980–1990 йилларнинг бошларида пахтанинг ўнлаб навлари яратилди. 1984 йилда

“Бухоро-6” нави Давлат нав синаш участкасида синовдан ўтиб, Бухоро вилоятининг Бухоро, Қоракўл, Ғиждивон туманидаги кенг далаларда экилди. Ушбу нав “Тошкент-1” ва “1947 И” ипак пахтаси чатиштирилиши асосида яратилди. Ушбу нав ўзининг вегетация (пишиб етилиш) ва ҳосилдорлиги билан шуҳрат қозонди [9. Б. 94].

1980-йилларда Республикада Давлат синов участкалари синовидан “108-Ф”, “157-Ф”, “149-Ф”, “Фарҳод”, “С-4727”, “С-65-25” каби янги пахта навлари синовдан ўтиб, кенг далаларга экилди. Айниқса, ушбу даврда “Юлдуз”, “Ан-Баёвут” пахта янги навлари пишиқ, вегетация даври 3–4 кунга қисқа ва касалланишга чидамли бўлиб чиқди. Янги навлар маҳаллий ва хорижий янги навлар билан чатиштирилиб, улардан дурагай навлар яратилди. Селекция[1] ишлари давом эттирилиб, “Чимбой-3010”, “Ан-Ўзбекистон”, “Ан-402”, “Самарқанд-3”, “Октябрь-60”, “Андижон-9”, “Қирғизистон-3”, “С 4880”, “Андижон-60”, “Ан-410” янги навлари ҳам мустақилликка эришгунга қадар яратилганди [9. Б. 93-112; Б. 134]. Истиқлолнинг дастлабки йилларида, 1991–1992 йилларда “Фарғона-3”, “Наманган-1”, “Ан-510” каби пахта навлари яратилиб, синовдан ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда экологик хавфли вазият вужудга келиши ва сув танқислиги кучайиши туфайли табиий таъсирга чидамли, сув сарфини кам талаб қиладиган пахта навлари яратиш долзарблик касб этиб келмоқда. Ҳосилдорлиги юқори бўлган навларни танлаш, ҳудудларда уруғчиликни поғоналаштирилган ҳолда йўлга қўйиш селекционерлардан чуқур илм, малака ва тажрибани талаб қилиб келди. Ғўза навлари билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш мақсадида тажриба-синов участкалари ва илмий марказлар замонавий техник воситалар билан таъминланди. Айрим маълумотларда селекцион нав[2] асосида нав яратиш борасида ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам келиб чиққанлиги қайд этилган. Айниқса, ҳудудларнинг тупроқ, об-ҳаво шарт-шароитини ҳисобга олиш борасида кўплаб илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ қилиниши муҳим бўлди. XX аср охирларига қадар Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида яратилган 90 та янги пахта нави (айрим маълумотларда 100 та) алоҳида қаторларда экиб синаб кўрилган. Қайси нав жорий шароитга мос келса, келгусида ўша навни кўпроқ экиб, интенсив ҳосилдорликни ошириб, ўртача ҳар гектар ердан 50 центнер ҳосил олиш мақсади кўзланганди [5].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги “Ғўза навларини яратиш ва жойлаштириш ҳақида”ги қарори қабул қилиниб, унга кўра пахтачиликдаги янги навларни районлаштириш масаласи долзарб қилиб қўйилди. Ушбу қарордан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти табиати ва иқлимига мос келадиган ғўзанинг янги деҳқонбоп навларидан “Оқдарё-5”, “Оқдарё-6”, “Омад” навлари бирламчи элита навлар сифатида экила бошланди. 1990–2001 йиллар давомида вилоят туманлари далаларида экилиб келган “Қирғиз-3”, “Фарғона-3” навлари юқоридаги навлар билан алмаштирилди. Самарқанд вилоятида ҳар гектардан 30–50 центнер ҳосил олиш имконияти бўлган “С-6530”, “С-9070”, “С-6532” каби янги ғўза навлари яратилди [13. Б. 130–131]. Самарқанд илмий тажриба станциясида пахтанинг қатор янги навларини, дурагай навларни яратиш борасида селекционерлар олиб бораётган ишлар самарали бўлмоқда.

1999 йилда Бухорога Исроилдан “Бухоро-6” нави билан рақобатбардош, ҳосилдорлиги билан шуҳрат қозонган “Гедера-5”, “Гедера-10” навли пахтанинг 10 тонна чигити олиб келинди. Бу хориждан келтирилган янги навлар Вобкент туманининг Н.Наимов, Қоракўл туманининг Халқобод жамоа хўжаликларида 50 гектардан ер майдонларига экиб синалди. Селекционер мутахассислар қайд этишича, бошқа пахта навларидан 1 гектар ерга 80 кг уруғ қадалса, “Гедера-5”, “Гедера-10” навлари уруғлари 1 гектарда униб чиқиши учун 40 кг чигит кифоя экан [2] Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси назоратига олинган Исроил пахтаси янги навларининг самарадорлиги муаммо бўлиб қолди.

2010–2014 йилларда пахта селекцияси билан шуғулланадиган олимлар томонидан 202 та янги пахта нави яратилиб, 58 таси Ўзбекистон Республикасида экиладиган қишлоқ хўжалиги давлат экинлари реестрига киритилди. Ғўза навларини экиш учун ажратилган умумий ер майдонларининг 3/2 қисмига “Наманган-77”, “С-6524”, “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”,

[1]Селекция – деҳқончиликда янги навлар (дурагайлар) яратиш ва экиб келинаётган навларни яхшилаш усуллари.

[2]Селекцион нав – илмий тадқиқот муассасаларида селекциянинг илмий усуллари асосида яратилган нав.

“Султон” ва “Ан-Баёвут-2” навлари экилди. Юқори маҳсулдор ва кучли ривожланган илдиз тизимига эга бўлган “Порлоқ-1”, “Порлоқ-2” навлари республикадаги 11 та вилоятнинг 40 минг гектар ерига экиб келинмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда пахта экини учун ажратилган ер майдонларининг 54 фоизида 17 та тезпишар нав, 36 фоизида 6 та ўртапишар ва 10 фоизида 5 та истиқболли ҳамда янги ғўза навлари экилди [8. Б. 15].

2019–2020 йилларда ўрта толали “Порлоқ-4” ғўза нави устида илмий изланишлар олиб борилиб, ушбу нав морфо-биологик хўжалик белгилари ва технологик сифат кўрсаткичлари жиҳатдан ўтмишдоши “Наманган-7” навидан устун бўлиб, муҳими – турли тупроқ-иқлим шароитларига мослаша олади. Ҳосилдорлиги ўртача 40–45 ц/га, тола бериши 38 фоиз, тола узунлиги 36,0 мм, бир дона кўсакдаги пахта оғирлиги 6,0–6,5 грамм, 1000 дона чигит вазни 124 граммдир. Тола сифати бўйича бошқа навлардан баланд бўлган “Порлоқ-4” айни пайтда вильт касаллигига ҳам чидамли бўлиб чиқди. “Порлоқ-4” нави рейтинги юқори “Наманган-77” нави билан таққослаб ўрганилганда бир қатор устун жиҳатларга эгалиги илмий жиҳатдан исботланди [4. Б. 31–32]. Ғўзанинг истиқболли “ЎЗПИТИ-202”, ўрта толали “ЎЗПИТИ-1604”, “Термиз-202” каби навлари 2019–2020 йилларда тажриба-синовдан ўтказилиб, агар улар экилган майдонларда агротехник қоидалар асосида иш кўрилса, фермер хўжаликлари пахтадан мўл-кўл ҳосил олишлари мумкинлиги аниқланди [14. Б. 33–34; 11. Б. 27–28]. Ғўзанинг қисқа толали навларидан тўла воз кечилиб, ўрта толали, асосан, узун толали навлари селекцияси давр талаби бўлиб қолди. Ўзбек пахтаси ўзининг сифати ва саноатбоплиги билан жаҳон стандартларига жавоб беришигина эмас, балки экспортбоп, бозоргир бўлиб, олий навли тола беришига эришиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Ингичка толали ғўза навларини ўрта толали ғўза навлари билан қиёсий ўрганиш методологияси кейинги йилларда ишлаб чиқилиб, ҳозирда 50–52 та ўрта толали ғўзанинг янги навлари мавжуд. Ўрта толали ғўзани ингичка толали ғўза навлари билан таққослаб ўрганишда “Бухоро-102” нави тола эталони ҳисобланади. Қайси яратилган янги нав ушбу навдан устун бўлса, пахта майдонларига экилади. Чунки “Бухоро-102” нави юқори ҳарорат, касалликлар ва гармселга бардошлилиги жиҳатдан устун туради. Пахтанинг “Термиз-202”, “Термиз-208” ингичка толали навлари 2015–2017 йилларда Термиз тумани шароитида бошқа навлар билан қиёсан ўрганилганда, уларнинг ҳосилдорлиги, рентабеллик даражаси ингичка толали пахта нави “Сурхон-14”га нисбатан юқори эканлиги аниқланди [12. Б. 36]. Натижада Сурхондарё вилоятининг қуруқ, гармселли шароитида ўрта толали пахта навларидан кўра ингичка толали янги навлар – “Термиз-202”, “Термиз-208”ларни экиш самара беради, деган хулосага келинди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишланган адабиётларда селекционер олимлар томонидан 100 дан ортиқ янги пахта навлари яратилгани, улар ингичка ва ўрта толали навлар бўлиб, Бухоро далаларида “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “С-6524”, “Наманган-77” кабилар экилиб, ҳосилдорлиги кутилган натижани берганлиги қайд этиб ўтилган [9. Б. 94; 1. Б. 68]. Ушбу фикрлар архив манбаларида ҳам ўз тасдиғини топиб, юқоридаги янги пахта навлари чидамлилиги, 35–38 фоиз тола бериши, тўқимачилик саноати учун қулайлиги кўрсатиб ўтилган [3. Б. 5].

1990 йилда илк бор “Бухоро-6” пахта нави 8,5 минг гектар ерга экилиб, мўл ҳосил олинди. 1991 йилда фақат Бухоро вилоятига қарашли ер майдонларида 131,9 минг гектар ерга “Бухоро-6” нави қадалиб, бу нав экилган ерлар салмоғи 16 баравар кўпайди. Бундан илҳомланган селекционер олимлар А.Баталов ва Д.С.Ёдгоров “Бухоро-8”, “Бухоро-102” навларини яратдилар. Селекционер олим А.Баталовга Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти берилди. Ўзбекистон илмий пахтачилик институтининг Бухоро тажриба станцияси (кейинчалик Ўзбекистон илмий пахтачилик институтининг Бухоро филиали) халқаро ва республика илмий анжуманларида иштирок этиб, яратган янги пахта навларининг афзалликлари ҳақида тарғибот олиб бордилар. Шундан сўнг 1996 йилдан “Бухоро-6” пахта нави Бухоро вилоятининг 100 фоиз далаларида экилди. Ушбу пахта навининг тола ва чигит беришдаги афзалликлари ҳисобга олиниб, Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг бир қатор районларига экилди ва кутилган натижани берди. Ўша йилларда Ўзбекистон пахтачилик институтининг бош директори, академик Саидакбар Раҳмонқулов Бухорода етиштирилган янги пахта навларини Давлат реестрига ки-

ритиш, республика бўйича экишни жорий этишни шахсан маъқуллаган эди [19. Б. 40; 42; 52].

Таъкидлаш жоизки, қўшни Қозоғистон Республикасида ўзбек олимлари пахтачилик ривожига катта ҳисса қўшиб, ғўзанинг "Нур-1", "Туркистон-2" каби янги навларини яратдилар. Ушбу янги пахта навлари маҳаллий пахта навлари билан хориж навларининг чатиштирилишидан олинди. Мазкур пахта навлари Қозоғистон Республикасининг жанубий, ғарбий вилоятлари (Чимкент, Туркистон)да экилиб, улардан кутилган даражада ҳосил олинди. Ушбу навларни Ўзбекистон пахта далаларида ҳам синовдан ўтказиш назарда тутилганди [15. Б.8]. Ўзбекистонда яратилган янги пахта навлари қўшни давлатларда ҳам экиб келинаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахтачиликда яратилган янги навларнинг ҳосилдорлиги ва келажакда узоқ вақт мўл ҳосил йиғиштириб олишнинг муҳим тамойили – илмий асосда алмашлаб экишни йўлга қўйишдир. Бугунги кунда ғўза экиладиган далалардаги тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида 4 далали (тоза шудгор, кузги буғдой, қанд лавлаги, баҳорги буғдой), 8 далали (ғўза, кузги буғдой, беда, ғўза, маккажўхори, қанд лавлаги, жўхори, тоза шудгор) каби тизимлар қўлланилиши юқори самара бермоқда. Маълумки, пахта далаларида тупроқ унумдорлигини сақлашда алмашлаб экилувчи беда ўсимлиги етакчи ўринда туриши илмий-амалий исботини топган. Бедадан кейинги ўринда алмашлаб экишда донли ва дуккакли экинлар, яъни ловия, жайдари нўхат, мош, соя кабиларнинг ерни бойитувчи муҳим хусусиятлари бор. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бедапоялар салмоғи атиги 1 фоиз, дуккакли дон экинлари салмоғи 1,5 фоиздир [6. Б. 9–10]. Бу эса ушбу экинларни кўпайтириш зарурлигини ва пахтачилик соҳасини интенсив асосда ривожлантиришга йўл очишни тақозо қилади. Селекционер-агрономлар томонидан тажриба-синовдан ўтган ғўзанинг янги навлари агротехник тадбирларнинг асослантирилган илмий қоидалари асосида амалга оширилди. Акс ҳолда фермер хўжаликларида унумдорлиги паст ер майдонлари бундай навлар экилса, кутилган ҳосил миқдорини бермаслиги ўз-ўзидан аён.

Хуллас, Ўзбекистонда пахта янги навларини яратиш ва деҳқончилик маданиятига, пахтачилик тармоғига олиб кириш Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йиллардан бошлангандир. Бу борада юксак ютуқлар қўлга киритилиб, 100 дан ортиқ янги навлар яратилди. Янги пахта навлари кенг далаларни эгаллаб борар экан, уларнинг уруғ ирсияти барчасида ҳам мустаҳкам бўлиб чиқмади. Шу сабабли кутилган натижани бермаган навлар янгилари билан алмаштириб борилди.

Адабиётлар:

1. *Бобоев С.* Миллат ифтихори. –Тошкент, 2006.
2. "Бухоро-6"нинг янги рақиби. Унинг уруғи Исроилдан олиб келинди // Бухоро ҳақиқати, 1999 йил 17 апрель.
3. Бухоро вилоят давлат архиви, 1455-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд.
4. *Маманазаров Ш., Муҳаммадов И., Мирзоёқибов О., Ачилов С.* Ўрта толали "Порлоқ-4" ғўза навининг морфо-хўжалик белгилари ва толасининг сифат кўрсаткичлари // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. 2021. – №1.
5. *Набиев Ҳ.* Ғўза навлари компьютерда бошқарилади // Бухоро ҳақиқати, 1999 йил 17 апрель.
6. *Назаров М.*, Мамажонов И. Пахтачиликда алмашлаб экишнинг тарихи ва ҳозирги аҳволи // Агро илм, 2019. – №1(57). – Б. 9-11.
7. *Назаров Р.*, Автономов В., Ахмедов Д., Қурбонов А. Селекция сортов тонковолокнистого хлопчатника в Узбекистане // Агро илм. 2017. – №1 (45).
8. *Назаров Р.*, Намозов Ш. Ўзбекистоннинг ғўза селекцияси ютуқлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2015. - №10. – Б. 15.
9. *Нематов Ҳ.* Бухоро пахтачилиги истиқболи. – Тошкент: Меҳнат, 1997.
10. *Охунбобоев Й.* Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1976.
11. *Очилдиев Н., Ахмадов Д.* Ғўзанинг янги ўрта толали "ЎЗПИТИ-1604" навининг кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда барг сатҳи ва қуруқ модда тўплаши // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. 2020. -№11. – Б. 27-28.
12. *Рахмонқулов С., Чориева Х., Жалолов Х., Очилдиев Н.* Ингичка толали "Термиз-202" ва "Тер-

миз-208" ғўза навларининг иқтисодий самарадорлиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2018. - №12. – Б. 36.
13. Самарқанд вилоят давлат архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 242-йиғма жилд.
14. *Қосимов Б., Қосимов А., Тешаев Ф., Раҳмонқулов С.* Ғўзанинг истиқболли "ЎЗПИТИ-202" нави тавсифи ва агротехникаси // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. 2019. – №11. – Б. 33.
15. *Ҳамроқулова Ш.* Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси (1925–2005 йй). Тошкент: Янги нашр, 2015. – 174 б.
16. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-86-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд.
17. Ўз МА, Р 2284, фонд, 1-рўйхат, 892-йиғма жилд.
18. Янги Ўзбекистон, 2021 йил 15 август.
19. *Ҳамроев К.* Етти пуштингизни биласизми (аждодлар силсиласи ва намунавий оилалар). Бухоро: Бухоронашр, 2021.

FROM THE HISTORY OF THE CREATION OF NEW VARIETIES OF COTTON IN UZBEKISTAN: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS

J.Sh. Haitov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 21-28.

[1]Bukhara State University, 200114, Bukhara, str. M.Iqbol, 11 (Uzbekistan). E-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz

Keywords: cotton, new variety, cotton production, monoculture, irrigated agriculture, fiber, productivity, selective variety, selection, ginning, trial, crop.

Cotton farming has been an important branch of Uzbek farming for centuries, and cotton is planted on irrigated lands as the most important raw material base for yarn production and textile industry.

The civil war in the USA in 1861-1865 and the change in the international political situation, the colonization of Egypt by England in 1882, accelerated the process of introducing new cotton varieties, expanding cotton fields, and creating a cotton raw material base for the Russian industry.

Acclimatization of "Amerika" (American) cotton variety, which is known for its softness and length, firmness, fluffy shape and whiteness, although its productivity is medium, began in Turkestan in the late 1860s - 1870s. In the last quarter of the 19th century, 12 domestic and foreign cotton varieties were cultivated in Turkestan.

It should be noted that in recent years, due to the emergence of ecologically dangerous situation and the increase of water scarcity, the creation of cotton varieties resistant to natural influences and requiring less water consumption is gaining relevance. On the one hand, the selection of varieties with high productivity, the introduction of seed production in the regions in a step-by-step manner required deep knowledge, skills and experience from the breeders. In order to improve the works related to cotton varieties, experimental and testing plots and scientific centers were provided with modern technical means.

An important principle for the productivity of new varieties created in cotton and long-term abundant harvest in the future is to establish rotation of crops on a scientific basis. Today, in order to increase the soil fertility in the fields where cotton is planted, 4 fields (clean plow, winter wheat, sugar beet, spring wheat), 8 fields (cotton, winter wheat, alfalfa, cotton, corn, sugar beet, sorghum, clean plow) are used. the use of systems is highly effective.

In 1999, 10 tons of cotton seeds of Gedera-5 and Gedera-10 varieties, which are competitive with Bukhara-6 and have gained fame in Israel due to their productivity, were brought to Bukhara from Israel. Of the total area of land allocated for planting cotton varieties since 2000 "Namangan-77", "S-6524", "Bukhara-6", "Bukhara-8", "Bukhara-102", "Sultan" and "An-Bayovut-2" varieties were planted in 3/2. Varieties "Porloq-1", "Porloq-2" with high productivity and strong developed root system are planted on 40,000 hectares of

land in 11 regions of the Republic. According to estimates, in 2015, 54% of the land areas allocated for cotton cultivation were planted with 17 fast-growing varieties, 36% with 6 medium-growing varieties, and 10% with 5 promising and new cotton varieties. As new cotton varieties have taken over large fields, not all of them have been robust in their genetics. Therefore, the varieties that did not give the expected result were replaced with new ones. High achievements were made in the creation of new cotton varieties, more than 100 new varieties were created.

References:

1. Boboyev, S. (2006) *Millat iftixori* [Pride of the nation]. Tashkent.
2. (1999) “Buxoro-6”ning yangi raqibi. Uning urug‘i Isroildan olib kelindi [New opponent of ‘Bukhara-6’. His seed was brought from Israel]. *Buxoro haqiqati.* April 17.
3. *Buxoro viloyat davlat arxivi* [State archive of Bukhara region], fund 1455, list 1, collective volume 78.
4. Mamanazarov, Sh., Mukhammadov, I., Mirzoyoqibov, O., Achilov, S. (2021) O‘rta tolali “Porloq-4” g‘o‘za navining morfo-xo‘jalik belgilari va tolasining sifat ko‘rsatkichlari [Morpho-economic characteristics and fiber quality indicators of the medium fiber ‘Porloq-4’ cotton variety]. *O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi*. 1.
5. Nabiyev, H. (1999) G‘o‘za navlari kompyuterda boshqariladi [Cotton varieties are controlled by computer]. *Buxoro haqiqati.* April 17.
6. Nazarov, M., Mamajonov, I. (2019) Paxtachilikda almashlab ekishning tarixi va hozirgi ahvoli [History and current state of crop rotation in cotton farming]. *Agro ilm*. 1(57). Pp. 9-11.
7. Nazarov, R., Avtonomov, V., Akhmedov, D., Kurbanov, A. (2017) Selekciya sortov tonkovoloknistogo hlopchatnika v Uzbekistane [Breeding varieties of fine-staple cotton in Uzbekistan]. *Agro ilm*. 1(45).
8. Nazarov, R., Namozov, Sh. (2015) O‘zbekistonning g‘o‘za seleksiyasi yutuqlari [Achievements of cotton selection in Uzbekistan.]. *O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi*. 10. P. 15.
9. Ne’matov, H. (1997) *Buxoro paxtachiligi istiqboli* [Prospects of Bukhara cotton farming]. Tashkent: Mehnat.
10. Okhunboboev, Y. (1976) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. Tashkent: O`zbekiston.
11. Ochildiyev, N., Akhmadov, D. (2020) G‘o‘zaning yangi o‘rta tolali “O‘ZPITI-1604” navining ko‘chat qalinligiga bog‘liq holda barg sathi va quruq modda to‘plashi [Leaf surface and accumulation of dry matter of a new medium-staple cotton variety ‘UZPITI-1604’ depending on the thickness of seedlings]. *O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi*. 11. Pp. 27-28.
12. Rakhmonkulov, S., Choriyeva H., Jalolov, H., Ochildiev, N. (2018) Ingichka tolali “Termiz-202” va “Termiz-208” g‘o‘za navlarining iqtisodiy samaradorligi [Economic efficiency of thin fiber ‘Termiz-202’ and ‘Termiz-208’ cotton varieties]. *O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi*. 12. P. 36.
13. *Samarqand viloyat davlat arxivi* [State archive of Samarkand region], fund 47, list 1, collective volume 242.
14. Qosimov, B., Qosimov, A., Teshayev, F., Rahmonqulov, S. (2019) G‘o‘zaning istiqbolli “O‘ZPITI-202” navi tavsifi va agrotexnikasi [Description and agrotechnics of promising cotton variety ‘UZPITI-202’]. *O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi*. 11. P. 33.
15. Hamroqulova, Sh. (2015) *Qozog‘istondagi o‘zbeklarning respublika fan va madaniyati rivojiga qo‘shgan hissasi* (1925-2015 yillar) [Contribution of Uzbeks in Kazakhstan to the development of science and culture of the Republic (1925-2005)]. Tashkent: Yangi nashr.
16. *O’zbekiston Milliy arxivi* [National archive of Uzbekistan], fund R-86, list 1, collection volume 122.
17. *O’zbekiston Milliy arxivi* [National archive of Uzbekistan], fund R-2284, list 1, collective volume892.
18. *Yangi O’zbekiston* [New Uzbekistan]. August 15, 2021.
19. Hamroyev, K. (2021) Yetti pushtingizni bilasizmi (ajdodlar silsilasi va namunaviy oilalar) [Do you know your seven pinks (line of ancestors and model families)]. Bukhara: Bukharanashr.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҲАИТОВ Жаҳонгир Шодмонович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти в.б. E-mail: jahongir.hayitov.89@mail.ru

УДК 821.09-1(100).

МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШДА БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ғ.О. Бобожонов

Мақолада жаҳонга машҳур бадиий асарларнинг яратилиши ва ўрганилишида асос вазифасини ўтаган қонуният ва қоидалар тизими бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани илгари сурилди. Мазкур илмий-назарий асосларни инобатга олиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўзбек ва жаҳон адабиётшунослиги учун катта имкониятлар эшигини очишига алоҳида урғу берилди. Мумтоз адабиёт намуналарини ўзининг аслий ва асрий мезонларига таянган ҳолда ўрганиш зарурати таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *мумтоз адабиёт, адабиётшунослик, илмлар учлиги, балоғат, маоний, баён, бадиъ, мухотоб.*

В статье высказано предположение о том, что система норм и правил, послужившая основой для создания и изучения всемирно известных произведений искусства, не утратила своего значения и сегодня. Особый акцент был сделан на том, что учет, изучение и исследование этих научно-теоретических основ открывает большие возможности для узбекского и мирового литературоведения. Проанализирована необходимость изучения образцов классической литературы по их оригинальным и вековым критериям.

Ключевые слова: *классическая литература, литературоведение, троица наук, балагат, маани, баён, бадиъ, мухатаб.*

Кириш

Бадиий асарларни ўрганишда қандай назарий мезонларга таяниш масаласи ўзбек адабиётшунослигида ҳам, жаҳон адабиётшунослигида ҳам кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Баъзида амалда қўлланилаётган назарий тамойиллар бадиий асар поэтикасини тадқиқ этишда етарлича асос беролмаётгани бундай баҳсларни юзага келтиряпти. Мазкур ҳолат бадиий асарни тўлатўкис идрок этиш ва илмий ўрганиш борасидаги назарий ҳаракатлар муттасил давом этаётганидан далолат беради. Мақолада шу масалани ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилиши мисолида кўриб ўтишга жазм этдик.

Баъзи тадқиқотчилар мумтоз асарларни идрок этиш ва илмий-назарий ўрганиш учун “илмлар учлиги” деб аталадиган аруз, қофия ва бадиъ илмлари асос қилиб олиниши зарурлигини таъкидлашади [12. Б. 14-15]. Ҳақиқатан, улар асосланаётган илмлар асрлар давомида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда фаол қўлланиб келди. Бадиий асарнинг метрик хусусиятлари, оҳангдошлик билан боғлиқ жиҳатлари ҳамда эстетик-эмоционал аҳамияти илмлар учлигида кенг тадқиқ этилган. Асрлар синовидан ўтган ва ўзини оқлаган бу жараён бугунгача изчил яшаб келаётгани ҳам мазкур назарий тамойилларнинг бадиий асар поэтикаси учун муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Илмлар учлиги асосан лирик асарларнинг баъзи поэтик хусусиятларини тадқиқ этади. Эпик турга мансуб бадиий асарларни ўрганишда назарий жиҳатдан илмлар учлигига таянишга баъзан имкон бўлмайди. Мумтоз адабиётимиз намуналари орасида “Қисаси Рабғузий”, “Маҳбубул қулуб”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Бобурнома” каби ўнлаб насрий асарлар борки, уларнинг поэтик қонуниятларини ўрганишда бевосита вазн хусусиятлари, сўзларнинг ўзаро оҳангдошлиги ёки бадиий санъатлар нуқтаи назаридан ёндашиш етарли бўлмаслиги кузатилади. Уларда асарнинг барча назарий мезонларини ўзида мужассам эта олиш хусусияти топилмайди. Шу ва шу каби омилларни назарда тутган ҳолда, айтиш мумкинки, аруз, қофия ва бадиъга оид қоидалар барча тур ва жанрларга доир асарларни илмий-назарий тадқиқ этиш учун тугал мезон бўла олмаслиги мулоҳаза қилинади. Адабий турлар фақат лирика билан чекланиб қолмаслигини инобатга олсак, бадиий асарлар яратиш, улар-